


«ТАСДИҚЛАНГАН»
“Kvarts” aksiyadorlik jamiyati
Кузатув кенгашининг 2021 йил
9 июндаги қарори билан
(2021 йил 9 июндаги 7-сонли
баённома)



**“Kvarts” aksiyadorlik jamiyatida monopoliyaga qarshi komplaens
хизмати тўғрисидаги
НИЗОМ**

Кувасой шаҳри - 2021 й.

I. Умумий қондалар

1. Мазкур Низом Жамиятда рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига ички мувофиқликни таъминлаш тизимини (кейинги ўринларда – монополияга қарши комплаенс тизими) жорий этиш, фаолиятини юритиш ва мониторинг қилиш тартибини белгилайди.

2. Жамиятда монополияга қарши комплаенс тизимининг самарали фаолият юритиши учун шахсан ташкилот раҳбари масъул ҳисобланади.

3. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

монополияга қарши курашиш органи – “Kvarts” aksiyadorlik jamiyatida монополияга қарши комплаенс хизмати;

монополияга қарши комплаенс – фаолиятнинг рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар хавфларини аниқлаш ва уларнинг олдини олишга қаратилган ички ташкилий чоратadbирлар ва таомиллар тизими;

монополияга қарши комплаенс тўғрисидаги ҳисобот – жамиятда рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига амал қилинишини ташкиллаштириш ҳақидаги ахборотни ўз ичига оладиган ҳужжат;

ваколатли шахс (бўлинма) – Жамият раҳбарига бевосита бўйсунадиган, монополияга қарши комплаенс тизимини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва тегишли мониторингини, шунингдек унинг фаолиятини таъминлаш учун масъул алоҳида таркибий бўлинма ёки шахс;

савдолар – товар ва хизматларни харид қилиш ва сотиш билан боғлиқ бўлган таомиллар, шу жумладан электрон савдо таомиллари.

II. Монополияга қарши комплаенснинг мақсад ва вазифалари

4. Монополияга қарши комплаенс тизимининг асосий мақсади жамият фаолиятининг рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини таъминлашдир.

5. Қуйидагилар монополияга қарши комплаенс тизимининг асосий вазифалари ҳисобланади:

жамият томонидан рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг эҳтимолий бузилиш хавфларини аниқлаш;

рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари бузилиши хавфларини баҳолаш ва уни бошқариш;

жамият фаолиятининг рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини таъминлаш ва мониторинг қилиш;

жамият фаолиятида рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари бузилишининг ҳамда жамиятдаги мансабдор шахс раҳбарлари томонидан ўз вазифаларини бажаришлари жараёнида рақобатга зид хатти-ҳаракатлар амалга оширилишининг олдини олиш;

жамиятда монополияга қарши комплаенснинг ишлаш самарадорлигини баҳолаш ва таъминлаш;

жамият ходимларининг рақобат тўғрисидаги қонунчилик талабларининг бузилишини олдини олиш ва мунтазам равишда ушбу йўналиш бўйича уларнинг малакасини ошириш юзасидан ўқитиш йўли билан рақобат қонунчилигига доир фикрларини ривожлантириш.

III. Ваколатли шахс (бўлинма)

6. Жамият монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш, фаолиятини юритиш ва мониторинг қилиш мақсадларида ваколатли шахс (бўлинма) тайинланади, у жамиятнинг ташкилий тузилмаси, штатдаги ходимлари сони ва фаолият хусусиятига мувофиқ белгиланади.

Жамиятда монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш, фаолиятини юритиш ва мониторинг қилиш ички аудит хизматида, агар у бўлмаган тақдирда ижро этувчи орган томонидан тайинланадиган ваколатли шахсга (бўлинма) юклатилади.

7. Жамиятда монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш ва унинг фаолиятини мониторинг қилиш, жамиятнинг ваколатли шахси (бўлинмаси) томонидан амалга оширилади, бунда ваколатли шахс (бўлинма) қуйидагиларни амалга оширади:

Жамият фаолиятига тегишли материалларни тўплайди (шу жумладан, рақобатни чеклайдиган ва (ёки) истемолчиларнинг, бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини чеклайдиган нормаларни аниқлашга қаратилган ички ҳужжатларни хатловини ўтказиши) ва кўриб чиқади, аниқланган камчиликларни бартараф этишга ва бу ҳаракатларга қайта йўл қўймасликка йўналтирилган чораларни кўради;

рақобат тўғрисидаги қонунчилик талаблари бузилиши хавфларини бартараф этилишини мониторинг қилади;

рақобат тўғрисидаги қонунчиликдаги ўзгаришларни мониторинг қилади, шунингдек ички ҳужжатларга тегишли ўзгаришларни киритилишини таъминлайди;

рақобат тўғрисидаги қонунчилик талаблари бузилиши хавфларини аниқлайди, хавфлар билан боғлиқ ҳолатлар ҳисобини юритади ва юзага келиш эҳтимолини белгилайди;

жамият ходимлари ва тузилмавий бўлинмалари фаолиятида рақобат чекловларини келтириб чиқариши мумкин бўлган манфаатлар орасидаги низоларни аниқлайди, уларни бартараф этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

жамият ходимларига рақобат тўғрисидаги қонунчилик талабларига амал қилиш билан боғлиқ масалалар бўйича маслаҳатлар беради;

жамиятнинг монополияга қарши комплаенс фаолият юритиши билан боғлиқ масалалар бўйича бошқа бўлим ва цехлар билан ўзаро алоқаларини мувофиқлаштиради;

рақобат тўғрисидаги қонунчилик талаблари бузилиши билан боғлиқ ички ўрганиш ишларини ўтказишни ташкиллаштиради ва уларда қатнашади;

монополияга қарши курашиш органи билан рақобат тўғрисидаги қонунчилик талаблари бузилиши бўйича ўзаро ахборот алмашади;

монополияга қарши комплаенс масалалари бўйича мунтазам равишда тренинглар ўтказилади (ёки ташкил қилади) ва тегишли бўлимларга маълумотларни тақдим этади;

жамият томонидан қабул қилинадиган ҳужжатларнинг лойиҳаларини ўрганади ва рақобат тўғрисидаги қонунчилик талаблари бузилишини келтириб чиқариши мумкин бўлган нормалар аниқланган тақдирда, бу ҳақда жамият раҳбарини хабардор қилади.

8. Ваколатли шахс (бўлинма) фаолияти қуйидаги тамойиллар асосида амалга оширилади:

а) ваколатли шахс (бўлинма) мустақиллиги:

ваколатли шахс (бўлинма)ни лавозимга тайинланиши ва озод этилиши ижро этувчи орган томонидан, Кузатув кенгаши (агар мавжуд бўлса) билан келишилган ҳолда, монополияга қарши органни хабардор қилиш орқали амалга оширилиши;

ваколатли шахс (бўлинма) томонидан ўз вазифаларини бажариш учун зарур бўлган ваколатлар ва ресурсларнинг етарлилиги.

б) ижро этувчи органга бевосита бўйсунуш ва ҳисобдорлик:

ваколатли шахс (бўлинма) Кузатув кенгашига (агар мавжуд бўлса) бўйсунуши ва ҳисобдорлиги;

рақобат тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузиш хавфи билан боғлиқ масалаларни тезкор ва бевосита муҳокама қилиш имкониятига эгаллиги.

Ҳисобдорлик тамойиллари бошқарув органлари фаолиятлари тўғрисидаги низомларга киритилади.

9. Ваколатли шахс (бўлинма) қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

а) қуйидаги йўналишлардан бири бўйича олий маълумот мавжудлиги:

иқтисодиёт;

бошқарув тизими (менеджмент);

ҳуқуқ;

жамият фаолиятининг асосий йўналиши.

б) қуйидаги йўналишлардан (афзаллик томоиили билан) бири бўйича камида бир йиллик иш тажрибасининг мавжудлиги:

комплаенс;

хавфларни бошқариш;

ички аудит;

жамият фаолиятига юридик кўмак.

10. Жамиятда монополияга қарши комплаенс тизимини ташкиллаштириш ва унинг фаолияти самарадорлигини баҳолаш Кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

IV. Асосий қоидалар

11. Жамиятда монополияга қарши комплансни ташкиллаштириш учун ваколатли шахс (бўлинма) томонидан мазкур Низомнинг III-бўлимининг 6-бандига мувофиқ ички низом ишлаб чиқилиши ҳамда тегишли бошқарув органи томонидан тасдиқланишини керак, у қуйидагиларни ўз ичига олади:

жамиятда монополияга қарши комплаенсни жорий этишни ва унинг тегишли тарзда ишлашни мониторинг қилишни таъминлайдиган, унинг ишлаш самарадорлигини баҳолайдиган ваколатли шахс (бўлинма) тўғрисидаги маълумотлар;

жамият ўз фаолиятини амалга ошириши давомида рақобат тўғрисидаги қонунчилик талаблари бузилиши хавфларини аниқлаш ва баҳолаш тартиби;

монополияга қарши қонунчилик талабларининг эҳтимолий бузилишлари тўғрисидаги хабарлар билан ишлаш тизими, шунингдек ушбу хабарларнинг фактлари бўйича ички текширувлар ўтказиш тартиби;

жамият ходимларининг монополияга қарши комплаенсни ташкиллаштириш ҳақидаги низом билан таништириш тартиби;

жамият томонидан монополияга қарши комплаенсининг ишлашни мониторинг қилишга йўналтирилган чора-тадбирлар;

жамиятда монополияга қарши комплаенс ишлаш самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари ва уни баҳолаш тартиби;

жамият фаолиятининг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда монополияга қарши комплаенсни самарали ишлашига қаратилган бошқа чора-тадбирлар.

12. Монополияга қарши комплаенс ҳақидаги низом жамият расмий веб-сайтида (қуйида – расмий сайт) жойлаштирилиши лозим.

V. Жамиятда рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бузилиши хавфларини аниқлаш ва баҳолаш

13. Рақобат тўғрисидаги қонунчилик талаблари бузилиши хавфларини аниқлаш мақсадларида ваколатли шахс (бўлинма) томонидан мунтазам равишда қуйидагилар амалга оширилади:

жамиятда:

рақобат тўғрисидаги қонунчилик талабларининг бузилишига ёки бозорда рақобатни чеклашга олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган нормалар ва қоидаларни аниқлаш мақсадларида жамиятнинг ички ҳужжатлари ва чиқиш хат-ҳужжатлари ҳамда тузиладиган келишувлар ва шартномалар лойиҳаларининг қонунчиликка мувофиқлигини ўрганиш;

жамият томонидан ўзининг устун ҳолатини суиистеъмол қилишига, монополь юқори ёки монополь паст нархларни ўрнатишига, контрагентларга манфаатсиз ва чекловчи шартнома шартларини мажбуран қабул қилдиришига, бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг товар бозорига киришига тўсиқлар яратишига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатларини ўрганиш;

рақобат тўғрисидаги қонунчилик талабларининг бузилишига ёки бозорда рақобатни чеклашга олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган тил бириктиришлар, келишувлар ва келишилган ҳаракатларни аниқлаш учун хўжалик юритувчи субъектнинг ҳаракатларини ўрганиш;

бозорда инсофсиз рақобатга олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган, бошқа хўжалик юритувчи субъектга ёки унинг тадбиркорлик нуфузига зарар етказадиган ёки етказиши мумкин бўлган, бошқа хўжалик юритувчи

субъектнинг товар бозорига киришини тўсиб қўядиган ёки тўсиб қўйиши мумкин бўлган ҳаракатларини ўрганиш;

жамиятнинг рақобат таомилларини, шу жумладан савдолар ва биржа савдоларини ўтказиш ва уларда қатнашиш бўйича талабларга амал қилишини ўрганиш;

жамият фаолиятида рақобат тўғрисидаги қонунчилик талабларининг аниқланган бузиш ҳолатларини (кўрсатмалар, жарималар, шикоятлар, қўзғатилган ишлар) ҳамда жамиятга нисбатан қўзғатилган монополияга қарши курашиш бўйича ишларнинг сабабларини таҳлил қилиш;

вужудга келиши эҳтимоли бўлган монополияга қарши хавфларни таҳлил қилиш ва уларнинг рўйхатини комплаенс-хавфлар харитаси кўринишида тузиш;

рақобат тўғрисидаги қонунчилик талаблари бузилишлари хавфларини камайтириш бўйича ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган тадбирларнинг самарадорлигини мунтазам равишда баҳолаш;

жамиятда рақобат тўғрисидаги қонунчиликнинг қўлланиш амалиётини мониторинг ва таҳлил қилиш;

14. Ваколатли шахс (бўлинма) томонидан рақобат тўғрисидаги қонунчилик бўйича аниқланган қонунбузарликлар (кўрсатмалар, жарималар, шикоятлар, қўзғатилган ишлар мавжудлиги) таҳлил қилинганида (йилда камида бир марта), қуйидаги тадбирлар амалга оширилиши керак:

жамиятнинг тузилмавий ва ҳудудий бўлинмаларида рақобат тўғрисидаги қонунчилик талаблари бузилишлари мавжудлиги ҳақидаги маълумотларни тўплаш;

жамиятда қонунбузарлик ҳақидаги ахборотни (рақобат тўғрисидаги қонунчилик талабларининг бузилган нормаларини кўрсатиш, рақобат тўғрисидаги қонунчилик талабларинини бузиш оқибатларини ва монополияга қарши курашиш органи томонидан қонунбузарликни кўриб чиқиш натижасини кўрсатиш) монополияга қарши курашиш органининг муносабатини, қонунбузарликни бартараф этиш бўйича чоралар ҳамда жамият томонидан қонунбузарликни такрорлашга йўл қўймасликка қаратилган чоралар ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олувчи рақобат тўғрисидаги қонунчилик талаблари бузилишлари рўйхатини тузиш.

16. Рақобат тўғрисидаги қонунчилик талаблари бузилиши хавфлари аниқланганида ваколатли шахс (бўлинма) томонидан қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

рақобат тўғрисидаги қонунчилик талаблари бузилиши белгиларини ўз ичига олган ҳаракатлар (ҳаракатсизликлар) тўхтатилгани ҳақида жамият раҳбарига билдиришнома киритиш ҳамда кейинчалик тегишли чораларни кўриш мақсадида тегишли таркибий бўлинмаларга киритиш;

жамият раҳбарига амалдаги қонунчиликка мувофиқ айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида тақдимнома киритиш.

17. Рақобат тўғрисидаги қонунчилик талаблари бузилишлари бўйича аниқланадиган хавфлар ваколатли шахс (бўлинма) томонидан мазкур Низомнинг иловасига мувофиқ даражалар бўйича тақсимланади.

18. Рақобат тўғрисидаги қонунчилик талаблари бузилиши хавфлари бўйича ўтказилган баҳолаш ишлари асосида ваколатли шахс (бўлинма) томонидан хавфлар тавсифи тузилади, унга хавфларнинг пайдо бўлиш сабаблари ва шартларини баҳолаш ишлари ҳам киритилади.

19. Рақобат тўғрисидаги қонунчилик талаблари бузилиши хавфларини таҳлилини ўтказиш, аниқлаш ва баҳолаш ҳақидаги ахборот монополияга қарши комплаенс ҳақидаги ҳисоботга ҳам киритилади.

VI. Рақобат тўғрисидаги қонунчилик талаблари бузилиши хавфларини камайтириш бўйича тадбирлар

20. Рақобат тўғрисидаги қонунчилик талаблари бузилиши хавфларини камайтириш мақсадларида ваколатли шахс (бўлинма) томонидан бир йилга мўлжалланган “Йўл харита” – чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқиши керак.

21. Ваколатли шахс (бўлинма) йўл харитасида кўзда тутилган тадбирларнинг бажарилишини мониторинг қилиши зарур.

22. Йўл харитасида кўзда тутилган чора-тадбирлар бажарилиши ҳақидаги ахборот монополияга қарши комплаенс ҳақидаги ҳисоботга киритилиши лозим.

VII. Жамиятда монополияга қарши комплаенснинг ишлаш самарадорлигини баҳолаш

23. Жамиятда монополияга қарши комплаенснинг ишлаш самарадорлигини баҳолаш мақсадларида жамият учун асосий кўрсаткичлар белгиланиши керак.

24. Жамиятда монополияга қарши комплаенснинг ишлаш самарадорлигини баҳолаш бўйича асосий кўрсаткичларни ҳисоблаш методикаси монополияга қарши курашиш органи томонидан ишлаб чиқилади.

25. Ваколатли шахс (бўлим) жамиятда монополияга қарши комплаенснинг эришилган асосий самарадорлик кўрсаткичларини баҳолаши (йилда камида бир марта) лозим.

26. Жамиятда монополияга қарши комплаенснинг ишлаш самарадорлигини баҳолаш бўйича асосий кўрсаткичларга эришилгани ҳақидаги ахборот монополияга қарши комплаенс ҳақидаги ҳисоботга киритилиши керак.

VIII. Монополияга қарши комплаенс ҳақидаги ҳисобот

27. Монополияга қарши комплаенс ҳақидаги ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига қамраб олиши керак:

Жамият томонидан рақобат тўғрисидаги қонунчилик талабларининг бузилиши хавфлари бўйича ўтказилган баҳолаш ишларининг натижалари;

жамият томонидан рақобат тўғрисидаги қонунчилик талабларининг бузилиши хавфларини камайтириш бўйича чора-тадбирларнинг бажарилиши;

монополияга қарши комплаенснинг асосий самарадорлик кўрсаткичларига эришилгани ҳақидаги ахборот.

28. Монополияга қарши комплаенс ҳақидаги ҳисобот (йилда камида бир марта) жамиятнинг Кузатув кенгашига ёки бошқарув органларига мазкур

Низомнинг III-бўлимининг 6-бандига мувофиқ тасдиқлаш учун ваколатли шахс (бўлинма) томонидан тақдим этилиши зарур.

29. Жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган монополияга қарши комплаенс ҳақидаги ҳисобот жамият расмий веб-сайтида жойлаштирилиши ва тасдиқланган кундан бошлаб 3 иш куни ичида монополияга қарши органга юборилиши керак.

IX. Монополияга қарши курашиш органининг ваколатлари (функциялари)

30. Монополияга қарши курашиш органи:

жамиятга монополияга қарши комплаенсни жорий этиш ва фаолиятини юритиш масалаларида, жумладан рақобат қонунчилиги талабларининг бузилиши хавфларини камайтириш бўйича бир йилга мўлжалланган "Йўл харитаси" - чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқилишида кўмаклашади ва маслаҳатлар беради;

рақобат тўғрисидаги қонунчилик талабларининг бузилиши хавфларини камайтириш бўйича бир йилга мўлжалланган "Йўл харитаси" – чора-тадбирлар режасини амалга ошириш натижаларини ўрганади. Йўл харитасининг асосий тадбирлари бажарилмаган ҳолатлар аниқланганида, жамиятга уларни зудлик билан бажариш бўйича тегишли огоҳлантиришларни беради;

жамият томонидан рақобат тўғрисидаги қонунчилик талабларининг бузилиши хавфлари бўйича ўтказилган баҳолаш ишларининг натижаларини таҳлил қилади ҳамда таҳлил натижалари бўйича тавсиялар бериши мумкин;

монополияга қарши комплаенснинг асосий самарадорлик кўрсаткичларининг бажарилиш натижаларини баҳолайди;

асосий кўрсаткичларнинг юқори қийматлари бажарилишини таъминламаётган жамиятнинг раҳбарларига нисбатан тегишли таъсир чораларини қўллаш учун уларнинг юқори турувчи органларини хабардор қилади;

жамият томонидан тақдим этилган монополияга қарши комплаенс ҳақидаги ҳисоботни ўрганади. Камчиликлар ва қонунбузарликлар аниқланган тақдирда, жамиятга тегишли огоҳлантиришлар беради;


консалтинг компанияларни, касбий таълим йўналишидаги давлат ва нодавлат муассасаларни жалб этган ҳолда монополияга қарши комплаенсни жорий этиш бўйича семинарлар, конференциялар ва амалий тренингларни ташкил қилади.

X. Яқуний қоидалар

31. Мазкур Низомни қўллаш билан боғлиқ низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

32. Мазкур Низом талабларини бузишда айбдор бўлган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Бршқарув раиси



А.И.Буриев

Жамиятда монополияга қарши
комплаенс тизимини жорий этиш ва
унинг ишлаш тартиби тўғрисидаги
Низомга
ИЛОВА

Рақобат тўғрисидаги қонунчилик талабларининг бузилиш даражаси бўйича
НАМУНАВИЙ ХАВФЛАР ТАСНИФИ*

Эҳтимолликни баҳолаш (юз бериш эҳтимоллари)	Оқибатлар даражаси		
	Паст	Ўртача	Юқори
Юқори эҳтимоллик			
Ўртача эҳтимоллик			
Паст эҳтимоллик			

*Рақобат тўғрисидаги қонунчилик талабларининг бузилиш даражаси бўйича хавфлар таснифи тавсияли характерга эга бўлиб, у бозор фаолиятининг ўзига хос хусусияти ва тўйинганлигига қараб ўзгартирилиши мумкин.